


КОРРУПЦИЯНИНГ ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛИ СИФАТИДА ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ТАЪСИРИ

 <https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-610-618>

Х.А. Рухиева

Ўзбекистон Миллий университети профессори

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий глобаллашаётган шароитдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланган коррупция девиант хулқ-атвор шакли сифатида қаралиб, унинг ёшлар камолотига таъсири ҳақида сўз юритилади. Олинган тадқиқот натижалари орқали коррупцияга ёш авлоднинг муносабати ва уни бартараф этишида нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-психологик омилларни эътиборга олиш лозимлиги ҳақидаги гоялар акс этган.

Калит сўзлар: коррупция, ижтимоийлашув, девиантлик, делинквент хулқ-атвор, интерпретация, компетенция, психологик омиллар.

ВЛИЯНИЕ КОРРУПЦИИ НА РАЗВИТИЕ МОЛОДЕЖИ КАК ФОРМА ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается коррупция как форма девиантного поведения, которая является одной из важнейших проблем в современных условиях глобализации, и обсуждается ее влияние на развитие молодежи. Результаты исследования отражают отношение подрастающего поколения к коррупции и необходимость учета не только правовых, но и социально-психологических факторов при ее устранении.

Ключевые слова: коррупция, социализация, девиация, делинквентное поведение, интерпретация, компетенция, психологические факторы.

THE EFFECT OF CORRUPTION ON YOUTH DEVELOPMENT AS A FORM OF DEVIANT BEHAVIOR

ABSTRACT

The article considers corruption as a form of deviant behavior, which is one of the most important problems in the current context of globalization, and discusses its impact on the development of young people. The results of the study reflect the attitude of the younger generation to corruption and the need to take into account not only legal but also socio-psychological factors in its elimination.

Keywords: *corruption, socialization, deviation, psychological factors.*

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда ўз ўрнини муносиб эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари юзасидан Миллий стратегия қабул қилинди.

Жаҳонда тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат- коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Глобаллашув ва маънавий таҳдидлар кучайган бир даврда айниқса, ёшлар тарбияси, уларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиб, уларга психологик ёрдам кўрсатиш алгоритмини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади. “**Янги Ўзбекистон**”- **Янгича дунёқараш**нинг келажаги ёшлар қўлида эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлиб, сўзимизнинг амалий исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади: «Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, айти ушбу соҳаларда туб ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар».¹

Шу боис, Ўзбекистонимиздаги мавжуд маънавий меъёрлар ёшларимизни жамиятда ўз ўринларини топишларига, интилувчан, ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Дунё миқёсидаги глобал ижтимоий

¹ Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон ёшлари форумига бағишланган нутқидан. “Халқ сўзи” газетаси. 25.12.2020 й.

Ўзгарувчанликнинг кучайиши муҳтожлик, жиноятчилик, коррупция, миллатлар ўртасидаги низолар, ишсизлик, каби долзарб ижтимоий муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жаизки, ушбу ижтимоий муаммоларни жамиятдаги ўзгаришларнинг салбий оқибатлари дейиш мумкин. Чунки, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва тахликали вазиятда амалга оширилаётган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда фан-техника тараққиёти тез суръатлар билан амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-психологик муносабатлар глобаллашаётган ва интенсивлашаётган ҳозирги даврда юксак маънавийликни қамол инсонни тарбиялаш масаласи умум инсоният инсоният цивилизацияси келажагини белгилайдиган психологик омилга айланди.

Шунинг учун, бугунги кунда, психологик хизмат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи фаолият тури сифатида ўзини намоён этиб келмоқда. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида психологик хизмат кўрсатиш жараёнини шакллантириш ва шу соҳа бўйича тайёрланаётган мутахассисларнинг билими, кўникмаси, малака ва компетенцияларига эгалик қилишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, бозор муносабатларига асосланган жамиятда кундан кунга турли девиант ва делинквент хулқ-атвор намуналари юзага кела бошлади. Бунинг оқибатида, жамиятда маънавий муҳитнинг таъсирини кучайтириш, ёшларга таълим-тарбия бериш шахс ижтимоийлашувининг тизимли амалга ошишига ёрдам беради. Ҳозирда, мавжуд маънавий ахлоқий меъёрлар ёшларимизни жамиятда ўз ўринларини топишларига, интилувчан, ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун, коррупциянинг девиант хулқ-атвор шакли сфатида ёшлар камолатига таъсири масаласига диққатимизни йўналтиришимиз бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Зеро, девиант хулқнинг турларидан бири “**коррупция**” тушунчаси латинча «**corruptio**» сўзидан олинган бўлиб, “бузмок”, “емирмок” каби маъноларни англатади. Турли луғатларда «**коррупция**» ибораси қуйидаги шаклларда талқин этилади:

- **коррупция** — пора эвазига сотиб олиш, сиёсий арбоблар ва мансабдор шахсларнинг сотқинлиги, ўз касбига, бурчига содиқ қолмаслиги;
- **коррупция** — шахсий бойлик орттириш мақсадида хизмат вазифаси, у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўғридан-тўғри, уят-андишасизлик ва шавқатсизлик тарзида фойдаланиш, мансабдор шахсларнинг сотқинлиги.

Ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш тарихида чуқур илдиз отган коррупция қуйидаги чора-тадбирлар воситасида камайтириш тажрибалари шаклланди:

- бюрократик аппаратни камайтириш, унинг профессионаллиги, умумий маданияти ва касбий этикаси даражаларини ошириш;
- бошқарув қарорлари ва расмийликни қисқартириш йўли билан бюрократик ўзбошимчаликни чеклаш, фуқароларни қабул қилишнинг «бир ойна» амалиётини қўллаш;
- давлат бошқарув органларининг бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш;
- фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш;
- таъқиқловчи меъёрлар ҳажмини қисқартириш (таъқиқлар ва регламентлаштириш қанчалик кўп бўлса, шунчалик мансабдор шахсларга пора бериш зарурияти ортади) ва бошқалар.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу орқали қонун устуворлигини таъминлаш бугунги кун тартибидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.


Ёшлар давлатимиз келажаги экан, уларни рақобатбардош, етук мутахассис кадрлар этиб тайёрлаш давлат олдида турган устувор вазифалардан биридир. Шу ўринда миллий тараққиётимизга ғов бўлаётган иллат бўлмиш коррупцияни олдини олиш, уни бартараф этиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу тариха, биз томонимиздан олиб борилган коррупция борасидаги ёш авлоднинг, шу жумладан ўқитувчи-мураббийларнинг фикрларини аниқлашга йўналтирилган сўровномамизнинг эмпирик натижаларини амалий ҳаётга татбиқ этиш орқали бу ҳодисанинг олдини олиш имкони вужудга келишида ёрдам беради деган умиддамиз.

Биз реципиентларга шахснинг коррупция муаммосига муносабатини ўрганиш бўйича ижтимоий-психологик сўровнома саволларига жавоб беришни таклиф этдик.


Тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

Биринчи саволимиз «**Коррупция содир этган шахсга нафрат билан қарайман. Улар бошқаларнинг ҳисобига ўз эҳтиёжларини виждонсизларча қондиришади**» фикрига юқори 9-10-11-синф ўқувчиларининг 25.5 % и, ОТМ талабаларининг 68.9% и ва мактаб педагогларининг 64.5 % и “**ҳа**” деган мулоҳазалар билан жавоб беришди. Ушбу олинган натижалардан бизга маълум бўладики, реципиентларнинг ёши ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, улар коррупция ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар (1.1 расм).




1.1 расм. «Коррупция содир этган шахсга нафрат билан қарайман. Улар бошқаларнинг ҳисобига ўз эҳтиёжларини виждонсизларча қондиришади» саволига берилган жавоблар.

«**Коррупция содир этган шахсларни қоралайман. Лекин, шу билан бир қаторда, коррупциядан ҳам оғирроқ жиноятлар борлигини биламан**» саволига респондентларимиз турли хил жавоблар беришди (1.2 расм).




1.2 расм. «Коррупция содир этган шахсларни қоралайман. Лекин, шу билан бир қаторда, коррупциядан ҳам оғирроқ жиноятлар борлигибиламан» саволига берилган жавоблар.

«Коррупция содир этган шахс – кучсиз инсон бўлиб, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан таб тортмайди. Бундай шахсни ўз навбатида танқид қиламан ва унга ачинаман» мулоҳазасига юқори синф ўқувчиларининг 40%и, ОТМ талабаларининг 50 % и ва ўқитувчиларнинг 46% “ҳа” деб жавоб беришди. Бу натижалардан мактаб жамоасига коррупция содир этган шахс портретини янада аниқ-конкретлаштириб бериш даркор деган хулосага келишимиз мумкин (1.3 расм).




1.3 расм. «Коррупция содир этган шахс – кучсиз инсон бўлиб, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан таб тортмайди. Бундай шахсни ўз навбатида танқид қиламан ва унга ачинаман».

Навбатдаги «Коррупция содир этган шахсни тушунаман. Маблағ ҳаммага керак. Ким қандай йўл билан хоҳласа, шундай пул топиши мумкин» мулоҳазасига юқори синф ўқувчиларининг 38 % и, ОТМ талабаларининг 20 % и ва ўқитувчиларнинг 30% и “ҳа” деб жавоб беришди. Бунда касбга йўналтиришда асосий мотив сифатида маблағни эмас, балки касбий бурчга содиқликни ва касб орқали ҳалол йўл билан маблағ топиш кераклигини нафақат ОТМ талабаларига, балки мактабда ўқиётган ўқувчиларга ҳам тушунтириш лозимлиги аён бўлди (1.4 расм).



1.4 rasmi. «Korruptsiya sodir etgan shaxsni tushunaman. Mablaf xammaqa kerak. Kim qanday i'ul bilan ho'xlasa, shunday pul topishi mumkin».

«Korruptsiya sodir etgan shaxs – bo'sqalar kaabi odдий инсон b'ulib, bo'sqalarдан ёмон хам, yaxshi хам эмас, бирор yuqori mansabни эгаллаш эвазига, маълум имкониятларга эга b'улади. Бундай шароитда ҳар қайси инсон коррупция содир этиши мумкин» мулоҳазасига yuqori sinf' o'quvchilarининг 15 % и, OTM talabalarининг 8 % и ва o'qituvchilarининг 12.7 % и “ха” деб жавоб беришди. Буни акси сифатида yuqori sinf' o'quvchilarининг 52.3 % и, OTM talabalarининг 51% и ва o'qituvchilarининг 51.7% и “i'уq” деб жавоб беришди. Бу орқали yuqori mansab эгаллаган shaxsнинг коррупция содир этиш касб фаолиятига эмас, балки shaxsнинг i'узига боғлиқ эканлиги реципиентларимизнинг берган жавобларидан хам кўриниб турибди (1.5 расми).



1.5 rasmi. «Korruptsiya sodir etgan shaxs – bo'sqalar kaabi odдий инсон b'ulib, bo'sqalarдан ёмон хам, yaxshi хам эмас, бирор yuqori mansabни эгаллаш эвазига, маълум имкониятларга эга b'улади. Бундай шароитда ҳар қайси инсон коррупция содир этиши мумкин».

Yuqoridaги tadqiqotimiz орқали bugungi kun ёшларининг коррупцияга билдирган муносабати таҳлил қилинди. Natijalar коррупциянинг ёшлар

маънавиятига салбий таъсир этиши, ёшларнинг коррупция ва унга боғлиқ муносабатлар ҳақидаги фикрлари ўз асосини эмпирик жиҳатдан исботлади.

Фикримизча. коррупция янги жиноятларни келтириб чиқариши мумкин:

1. криминал ҳулқни;
2. ўғриликни;
3. талончиликни;
4. фирибгарликга йўналтиради;
5. агрессив ҳулқ-атворни шакллантиради;
6. тузоқ қўйиш;
7. иқтисодий қарамлик;
8. ёшларни соддалигидан фойдаланиб, уларнинг ишончига кириш

орқали манфаатларига путур етказди.

Шунинг учун ёш авлодда коррупция ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш девиант ҳулқни бошқа кўринишларининг юзага келишини олдини олади.

ХУЛОСА

Демак, хулоса ўрнида шуни такидлашимиз мумкинки, ёш авлодда коррупцияга қарши мустаҳкам иммунитет шаклланмоқда ва бу жараёнларни узлуксиз таъминлаш, давом эттириш бу иллатнинг динамикасини сезиларли даражада пасайтириш омили бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Бочарникова Л.Н., Диденко К.В., Михайлова И.А. 2012. Личностные характеристики сотрудника органов внутренних дел, совершающего коррупционные преступления. – Вестник Белгородского юридического института МВД России. № 2(20). С. 52-56.
2. Горобова В.В. 2015. Коррупция и нравственные пороки личности. – Гуманитарные ведомости ТГПУ им. Л.Н. Толстого. № 2(14). С. 41-45.
3. Попов Е.А. 2012. Коррупция и культура человека. – Евразийский юридический журнал. № 3(46). С. 63-66. Рассадовская А.В. 2018. Влияние социального капитала на восприятие коррупции в группе. – Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Сер. Социальные науки. № 2(50). С. 16-24.

4. Рухиева.Х.А. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва суицидал ҳолатлар психопрофилактикаси. 2021.-360 б. “Тошкент” “ТАФАККУР ТОМЧИЛАРИ”
5. Савченко И.А. 2015. Гражданское общество в дискурсивном измерении. – Власть. Т. 23. № 5. С. 122-126. Савченко И.А., Снегирева Л.А. 2017. Коррупционная направленность личности в эмпирическом измерении. – Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. № 1(37). С. 78-83.
6. Савченко И.А., Снегирева Л.А., Устинкин С.В. 2016. Факторы формирования коррупциогенной личности: иерархия и экспертные оценки. – Власть. № 12. С. 177-182.
7. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
8. Muxtarov, A. (2020). Психологиянинг XXI асрдаги ривож. Архив научных исследований.
9. Muxtarov, A. (2020). Демократия ва фуқаролик жамияти . Архив научных исследований.
10. Muxtarov, A. (2020). IMAM BUKHARI-THE GREAT HADITH EXPERT Архив научных исследований.
11. Muxtarov, A. (2020). Фалсафанинг долзарб муаммолари. Архив научных исследований.
12. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahridin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
13. Muxtarov, A. (2020). IMAM BUKHARI-THE GREAT HADITH EXPERT Архив научных исследований.
14. Muxtarov, A. (2020). Фалсафанинг долзарб муаммолари. Архив научных исследований.
15. Muxtarov, A. Олий таълимда замонавий инновациялар. Архив научных исследований.
16. Muxtarov, A. (2020). Фуқаролик жамияти ва толерантлик. Архив научных исследований.